



XALQ DEPUTATLARI MINGBULOQ TUMANI KENGASHINING Q A R O R I

“30” dekabr 2020й.

№ 79/26-06 - sonli

2021 йил учун Наманган вилояти Мингбулоқ туманининг маҳаллий бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 77/15-06-сонли қарорига мувофиқ, халқ депутатлари Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 77/15-06-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 77/15-06-сонли қарорига мувофиқ Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йилги даромадлари 34 млрд. 175 млн. 978.0 минг сўм, харажатлари 98 млрд. 51 млн. 743.0 минг сўм маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 63 млрд. 875 млн. 765 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Худудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга Наманган вилоятининг вилоят бюджетидан ушбу Кенгаш қарорига мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2021 йил молия йили давомида фойдаланилади.

4. Наманган вилояти Мингбулоқ туманининг маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари:

2021 йил учун Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

2021 йил учун Мингбулоқ тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2021 йил учун Мингбулоқ тумани бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 63 млрд. 875 млн. 765 минг этиб тасдиқлансин.

Ушбу Кенгаш қарорида назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Мингбулоқ туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

5. 2021 йил учун Наманган вилоятининг вилоят ва Мингбулоқ тумани бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджетининг ажратмалар нормативлари ўрнатилган тартибда Мингбулоқ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2021 йил учун Мингбулоқ тумани бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 636 млн. 80.0 минг сўм этиб белгилансин.

7. Наманган вилояти Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш:

2021 йил учун Мингбулоқ тумани бюджетининг захира жамғармаси ҳажми 970809.0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Мингбулоқ тумани бюджетининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мингбулоқ тумани бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Мингбулоқ тумани бюджетининг захира жамғармасига юқори турувчи бюджетдан ажратилган тақдирда ушбу Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритилмайди.

8. 2021 йил учун Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари:

Солиқларнинг қуйидаги турлари Мингбулоқ тумани бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ.

Наманган вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети ҳамда Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджети ўртасида қуйидаги тартибда тақсимланади:

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари).

Туманда оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни киритишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилсин.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

9. 2021 йилда Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари:

Мингбулоқ тумани ҳокимиятларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган кўшимча тадбирларни молиялаштириш туман маҳаллий бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар маҳаллий бюджетни биринчи навбатда иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чораклар якуни бўйича ушбу Кенгаш қарорининг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорда бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса Мингбулоқ тумани вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

10. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга:

Ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштириш;

Мингбулоқ тумани маҳаллий бюджет кўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар тегишинча туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш;

Мингбулоқ тумани бюджетининг кўшимча манбалари 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

11. Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

12. Мингбулоқ тумани ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг

кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан катъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

13. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Мингбулоқ тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари туман
Кенгаши раиси, туман ҳокими



Н.Худойбердиев

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2020 йил
30 декабрдаги 76/26-06 сонли
қарорига 1-илова



**2021 йил учун Мингбулоқ туман маҳаллий бюджети даромадлари
прогнози**

Даромад турлари		минг сўм
1	Айланмадан олинадиган солиқ	4 140 334
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	12 956 716
3	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 142 188
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	591 927
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 619 874
6	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 468 856
7	Юридик шахслар ер солиғи	4 468 165
8	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	25 674
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	648 544
10	Йиғимлар	1 113 700
ЖАМИ		34 175 978

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2020 йил
30 декабрдаги 79/26-06- сонли
қарорига 2-илова



**2021 йил учун туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг
чекланган миқдори**

минг сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	Туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар жами	98 051 743,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	98 051 743,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	785 000,0
1	Мингбулоқ туман Халқ таълими бўлими	5 383 861,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 383 861,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
2	Мингбулоқ туман Мактабгача таълим бўлими	13 418 315,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	13 418 315,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
3	Мингбулоқ туман Соғлиқни сақлаш муассасалари	37 521 359,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	37 521 359,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
4	Мингбулоқ туман Маданият бўлими	2 237 826,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	2 237 826,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
5	Мингбулоқ туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 287 570,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 287 570,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
6	Мингбулоқ туман Қишлоқ хўжалиги бўлими	567 040,0

	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	567 040,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
7	Мингбулоқ туман фермер хўжаликларида бухгалтерия хисоби ва хисоботини юритиш маркази	534 319,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	534 319,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
8	Мингбулоқ туман Ирригация бўлими	1 638 939,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 638 939,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
9	Мингбулоқ туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	732 951,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	732 951,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
10	Мингбулоқ туман Бандликка кўмаклашиш бўлими	462 773,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	462 773,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
11	Мингбулоқ туман молия бўлими	797 439,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	797 439,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
12	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Мингбулоқ туман бўлими	570 568,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	570 568,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
13	Мингбулоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси	6 464 769,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	6 464 769,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	785 000,0
14	Мингбулоқ туман ҳокимлиги	26 006 269,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	26 006 269,0
	шундан:	

	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	
15	Мингбулоқ туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	427 745,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	427 745,0
	шундан:	
	ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2020 йил
30 декабргаги 79/26-06-сонли
қарорига 3-илова



**2021 йил учун туман маҳаллий бюджетидан ҳудудий бюджет
маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг
чекланган миқдори**

минг сўм

Даромад турлари		Мингбулок тумани
1	Фойда солиғи	0%
2	Айланмадан олинадиган солиқ	100%
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50%
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100%
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	0%
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100%
8	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100%
	Юридик шахслар ер солиғи	100%
9	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	100%
10	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100%
11	Давлат божи	0%
12	Жарималар	0%
13	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	0%
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	0%
15	Йиғимлар	100%